

Куръони Каримдаги «Биз сизларни икки йўлга йўллаб қўймадикми?» оятидаги икки йўл нимани англатади? Булар хидоят ва залолат йўллари эмасми?

**ЖАВОБ:** Аллох таоло Балад сурасида айтади: «Биз унга икки кўзни ва тилни ва икки лабни бермадикми? Ва Биз уни икки йўлга йўллаб қўймадикми?»

Ушбу оятлар тафсирида уламоларимиз куйидаги хадиси кудсийни келтирадилар: «Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) дедилар: «Аллох таоло айтади: «Эй Одам боласи! Мен сенга саногига етмайдиган ва шукрига тоқатинг келмайдиган улкан неъматларни бердим. Сенга берган неъматларимдан бири – кўриш учун икки кўзни берганимдир, шу билан бирга, икковини ёпадиган ковок ҳам бердим. Икки кўзинг билан мен халол қилган нарсаларни кўр. Агар мен харом қилган нарсаларга кўзинг тушиб қолса, пардасини, ковокларингни ёп. Мен сенга тил бердим ва унга гилоф ҳам қилиб қўйдим. Мен амр қилган ва халол қилган нарсаларни гапир. Агар мен харом қилган нарсалар оғиз бўлса, тилингни тий. Мен сенга жинсий аъзо бердим ва уни саклаш йўлини ҳам бердим. Бу аъзони халолга ишлат. Агар харом нарса оғиз бўлса саклан. Эй Одам боласи! Менинг азобимга чидамайсан ва Менинг ўч олишимга тоқат қила олмайсан».

Бу оятларда Аллох таоло Ўз бандасига берган баъзи неъматларини зикр қилади. Жумладан, икки кўз. Бу энг улкан неъматлардан бўлиб, жуда ҳам дақик нарсалардир, улар билан кўриб инсон ҳаётини ўтказиши, гўзалликларни кўриб лаззатланади. Бундай улкан неъматни фақат Аллох беради, холос. Бошқа ҳеч ким қодир эмас. Кўзинг тузилишини, унинг кўриш жараёнини яхши тушунган шахс Аллохга сизинмай иложи йўқ. Демак, бу кўзни берган Аллохнинг йўлида юриш, бу кўзлар билан халолни кўриш, харомдан қочиш керак бўлади. Шундагина инсон кўз неъматининг шукрини келтирган бўлади.

Шунингдек, икки лаб ва тил ҳам бошқа аъзолар каби Аллохнинг улкан неъматидир. Тилнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳаммага маълум. Ким инсонга бу неъматни бериши мумкин? Ҳеч ким! Агар тилга боғлиқ бирор томир лат еб қолса, бутун дунё бирлашиб ҳаракат қилса ҳам, фойда бера олмай қолади. Икки лабнинг хизматини, уларни Аллох таоло барча қулайликларга мослаб қўйганини, агар улар бўлмаса ёки бироз бошқача бўлиб қолса, қанчалик ноқулайликлар келиб чиқишини тасаввур қилиб кўрган одамнинг бу неъматлар учун Аллох таолога шукр айтишдан ўзга иложи қолмайди. Демак, бу неъматларнинг ҳам қадрига етиб, уларни берган Эгасига тоат-ибодат қилиб, бўйсуниб, айтганидан қийинчиликларни енгиб юриш лозим.

Аллохнинг энг улғу неъматини – инсонга яхши-ёмонни, оқу қорани, савоб-гуноҳни ажратиш хусусиятини бериб қўйгани ҳамда яхшилик йўлини ва унинг қаёққа олиб боришини, ёмонлик йўлини ва унинг қаёққа олиб боришини кўрсатиб қўйганидир. Демак, инсон ёмонлик йўлини тарк этиб, доимо яхшилик йўлида юриб, ҳаво нафсига эрк бермай, тўғри йўлдан қийинчиликларни енгиб бориши лозим (Аллох билувчидир).